

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШИМОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ХАЛҚАРО ФОРУМИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг таклифига биноан 30 октябрь куни Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида бўлиб ўтадиган Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида иштирок этади.

Тадбир кун тартибидан коронавирус пандемияси оқибатларини биргаликда енгиб ўтиш ва халқаро шериклини кенгайтириш масалалари ўрин олган. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида минтақавий сиёсатнинг энг долзарб масалалари ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни

янада ривожлантириш истикболларига тўхталиб ўтади. Форум ишида Ўзбекистон ва Жанубий Корея етакчилари билан бир қаторда Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Мўғулистон президентлари ва бошқалар қатнашади.

Ў.А.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ОЧИҚ-ОШКОРА ЎТИШИДА ПАРЛАМЕНТ МАСЪУЛЛИГИ ОРТАДИ

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат ишларидаги корхоналарни ислоҳ қилиш ҳамда давлат активларини хусусийлаштириш масалалари кўриб чиқилиб, парламент палаталарига бу бўйича зарур тавсиялар берилди.

Белгиланган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз раҳбарининг 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ

қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони моҳиятини кенг тарғиб қилиш, хусусийлаштириш жараёнлари ҳалол ва очик-ошқора ўтишида парламент назоратини ўрнатиш каби масалалар бўйича қизгин фикр алмашилди.



«ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ФАОЛИ» МИЛЛИЙ ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилаётган “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови тақдимотига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда сенаторлар, вазирлик ҳамда идоралар, Халқаро меҳнат ташкилоти, БМТнинг Аҳолишўнослик жамғармаси ва Тараққиёт дастурининг юртимиздаги ваколатхоналари вакиллари қатнашди.

■ Такдимот

Таъкидланганидек, танловдан кўзланган мақсад — мамлакатимизда гендер тенгликка эришиш масаласига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилган иборат.

Танловда ҳар бир йил яқунлари бўйича гендер тенгликни таъминлаш соҳасида юқори натижаларга эришган, ушбу йўналишда жамият ривожини унун ташаббус кўрсатаётган, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тегишли йўналишда долзарб вазифаларни амалга ошираётган вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари қатнашадилари мумкин. Маъмур танлов ҳар бир вазирлик, идора, ташкилотда ген-

дер тенгликни таъминлаш сиёсатини шакллантириш, вазирлик ва идоралар фаолиятига гендер ёндашувларини жорий этишга қаратилган. Шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш соҳасида давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг илгор тажрибасини аниқлаш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш вазифаси ҳам қўйилмоқда.

Тадбирда “Гендер тенглик фаоли” миллий танловини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ўз навбатида, иштирокчилар танловини ўтказиш муддатлари, ҳайъат аъзоларини белгилаш, қатнашчиларни саралаш мезонлари ҳамда тақдирлаш маросимини ўтказиш каби масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

«Халқ сўзи».

НАВОИЙНИ АНГЛАШ

— УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Президентимизнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори халқимиз маданияти, маънавияти ҳамда адабиётини мутлақо янги босқичда ривожлантириш йўлида навбатдаги жиддий қадам бўлди.

■ Муносабат

Ушбу тарихий ҳужжатда таъкидланганидек, жонахон Ватанимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғонish даври — учинчи Ренессанс пойдеворини яратётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ҳамда оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, буюк сўз санъаткорининг хотирасини абадийлаштириш, бой ва серқир-

ра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мамлакатимиз ҳамда халқаро миқёсда тарғиб қилиш чора-тадбирлари, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг муаззам меъморий ёдгорлигига мутаносиб равишда Адиблар хиёбони барпо этилгани бу борадаги кенг қўламли ишларнинг муҳим деб бочаси эди.

Албатта, халқимиз асрлар давомида Навоийдек улуғ мутафаккирни хамиша ардоқлаб, ҳурматино бажо келтирган. Урта асрларда ҳам, шўролар даврида ҳам миллатимиз ойдинлари Ҳазрат Навоий шахсияти ва ижодига алоҳида эҳтиром кўрсатганлар.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фанни мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) ҳамда Концепциянинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Концепция ҳамда унинг мақсадли кўрсаткичлари ва индикаторлари, шу жумладан, қўйидагиларни назарда тутати:

а) илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш борасида:

илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш;

илм-фанда ўзини ўзи бошқариш тизимини ривожлантириш орқали давлат ва илмий ташкилотлар ўртасида ижтимоий шериклини ривожлантириш ҳамда унинг доирасида лойиҳаларни амалга ошириш;

б) илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиялаштириш манбаларини диверсификациялаш борасида:

2025 йилга қадар илм-фанга йўналтирилаётган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш;

2025 йилга қадар илм-фанни умумий молиялаштириш ҳажмида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига хусусий сектор томонидан ажратилаётган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш; инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш;

в) юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни илмий фаолиятга йўналтириш борасида:

илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш;

2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг умумий сонига юқори малакали илмий ходимларнинг (фан номзоди, фалсафа ва фан докторлари) улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш;

г) илм-фанни ривожлантиришнинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида:

2025 йилга қадар илмий тадқиқот ва ишланмалар соҳасидаги технологик инновацияларга харажатларнинг умумий ҳажмида ташкилотнинг ўз кучи билан бажарилган технологик инновацияларга харажатларнинг улушини 3,5 бараварга, 2030 йилгача эса 9 бараварга ошириш;

2021 йилда “Яшнобод” инновацион технопаркиннинг резидентлари сонини 60 тага етказиш ва шу асосда инновацион маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш, шунингдек, 720 дан ортқ янги иш ўринларини яратиш;

7 та замонавий лаборатория мажмуаларини ташкил этиш, уларни GLP ва GMP жаҳон стандартларига мос усқуналар билан жиҳозлаш;

д) илм-фан тараққиётига қўмаклашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантириш борасида:

миллий илмий портални яратиш; олимлар, ташкилотлар, илмий-техник ахборот манбалари рейтингларини жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

илмий ташкилотлар раҳбарлари лавозимига устувор равишда

илм-фан тизимини бошқариш кўникмасига ва иқтисодий билимга эга бўлган ёш мутахассислар тайинланади; 2021 йил 1 январдан бошлаб илмий ташкилотлар раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқитиш ва мунтазам малакасини ошириб бориш тизими жорий қилинади;

2021 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир илмий ташкилотда унинг бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида илм-фан ва илмий фаолият бўйича маслаҳатчи лавозими киритилади, бу лавозимга таниқли илм-фан намояндалари ва нуфузли олимлардан бири тайинланади ҳамда маслаҳатчи ташкилотнинг Илмий кенгашини бошқаради;

илмий йўналишларни шакллантириш ва уларнинг самарали фаолият юритишда таъминлаш ҳамда илмий мақаблар, фан намояндалари ва етакчи олимларнинг соҳадаги маъсулиятини ошириш мақсадида ҳар бир фан йўналишлари бўйича фан жамиятлари ташкил қилинади;

2021 йилда халқаро мустақил эксперт компанияларини жалб

этган ҳолда Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча давлат илмий ташкилотларининг илмий-инновацион фаолияти аудитдан ўтказилади;

барча давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг республика даражасидаги раҳбарлари (биринчи ўринбосарлари) бир вақтнинг ўзида илм-фан ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга масъул ҳисобланади ҳамда бу борада тизимдаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

4. Худудларда илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, илм-фанга кенг жалб қилиш, нуфузли илмий мактабларни шакллантириш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш мақсадида 2021 йил 1 январдан бошлаб “Академик ҳаракатчанлик” дастури жорий қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида:

илмий фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларнинг илмий гоёларини рағбатлантириш, уларнинг хорижий университетлар ва илмий марказларга қисқа муддатли стажировкаларини ташкил этиш учун ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан грантлар ажратилади; мазкур ёшларга илмий ташкилотлар, олий таълим муассасалари, шунингдек, вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳузуридаги илмий тузилмалардаги замонавий илмий асбоб-усқуналардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар “Академик ҳаракатчанлик” дастурини амалга ошириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Қўйидагилар:

Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2020 — 2022 йилларда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ;

Илм-фан соҳаси ва илмий-тадқиқот ишларини 2021 — 2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрлари (кейинги ўринларда — Мақсадли параметрлар) 3-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси



ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ

Парламентда қизгин баҳс-мунозаралар олиб борилиши, фикрлар хилма-хиллиги электорат манфаатларини ифода этадиган қонуларни қабул қилишда муҳим омил саналади. Қолаверса, бу сиёсий партиялар фракциялари ўртасида соғлом рақобат бўлишини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини ана шу нуқтага назардан қизғин муҳокама этди. Конструктив фикрлар билдирилди, асос-

ли таклифлар илгари сурилди. Қиллоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди, талабаларга таълим кредитларини ажратиш бўйича қурилаётган чора-тадбирлар тўғрисида юборилган парламент сўровига масъул вазирлик жавоби кўриб чиқилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирлигининг соҳага оид ислохотларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Геном ахбороти бедарак йўқолган шахсларни топишга имкон беради

Бугунги кунда ДНК маълумотлари, яъни геном ахбороти маълумотлар базаси бошқа илмий изланишларда қўлланилиши баробарида жиноятчиликка қарши курашишда ҳам самарали воситага айланиб бормоқда. Илгор технологияларга асосланган мазкур маълумотлар жиноятларни фаш этишда юқори самара келтиради.



■ Мулоқот

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Сенат аъзоларининг асосий вазифалари қаторида юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш йўналиши алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бугунги кунда ҳар бир сенатор ўз ваколати доирасида ижро ҳамда суд ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда одамларнинг мушқулини осон қилиш учун кенг имкониятга эга.

Бунда биз, аввало, келиб тушаётган шикоят ва аризаларни жойига қилиб ўрганишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Зеро, ана шунда у ёки бу муаммо билан боғлиқ ва-зият яққол намоён бўлади.

Кейинги йилларда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш Олий Мажлис Сенати фаолиятининг муҳим йўналишларидан

бирига айланди. Шу ўринда айтиш кераки, парламент юқори палатасига келиб тушаётган аксарият мурожаатлар, яъни қарийб 60 фоизи айнан Сенат Раиси Танзила Норбоева номига йўлланади. Қолаверса, Сенат Раисининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ҳам қўллаб-қувватлаш келиб тушмоқда.



Пандемия шароитида аҳолининг энг зарур дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш муҳим масала ҳисобланади. Аммо бундай қийин вазиятда бировнинг ташвишидан чўнтак қаппайтириш илинжида бўлган дорихоналар эгалари бўлмиш “тадбиркор”лар ҳам орамизда йўқ эмас.

■ Бонг

Бугун ўзи яшайдиган ҳудудда дорихоналардаги нархларни солиштириб, ундаги кескин тафовутдан асаби бўзилаётган, “бундай фарқ қаердан юзага келади?” деган саволга жавоб излаётган ҳамюртла-

римиз сони ортиб бораётгани ҳам айна ҳақиқат.

Хўш, маълум бир ҳудуддаги деярли бир кўчада жойлашган дорихоналарда битта ишлаб чиқарувчининг, бир хил таъсир қиучига эга ва бир хил қадокланган дори нархлари нега бир-биридан кескин фарқ қилади?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИЛМ-ФАННИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ
КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Илм-фан соҳаси ва илмий тадқиқот ишларини 2021 — 2023 йилларда молиялаштириш ҳажмини кенгайтириш ва молиялаштириш манбаларини диверсификациялашнинг мақсадли параметрларига эришиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар режаси) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. 2021 йил 1 январдан бошлаб **Илмий даражали кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими** жорий қилинсин.

Белгилансинки, Илмий даражали кадрларни тайёрлашни мувофиқлаштиришнинг ягона электрон тизими орқали қуйидаги ишлар тўлиқ амалга оширилади:

стажёр-тадқиқотчи, изланувчи, илмий раҳбар ва консультантларга доир маълумотлар банкини шакллантириш, стажёр-тадқиқотчи ва изланувчиларнинг якка тартибдаги режасидаги ишлар бажарилишини қайд этиш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларининг самарадорлиги мониторингини олиб бориш, тегишли ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотларни шакллантириш;

стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантурада ўқиш учун қабул квоталари бўйича буюртмонима шакллантириш;

илмий даражали кадрларни тайёрлаш институтларида ўқиш учун талабгорларни рўйхатта олиш.

Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур электрон тизимнинг узлуқсиз ишлаши, унга техник хизмат кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унинг функционал имкониятларини янада такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириб борсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; олий таълимдан кейинги таълимнинг **бир поғонали тизими** жорий қилинган ҳорижий давлатларнинг рўйхати ҳар йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган халқаро рейтингларда **биринчи 300 та ўриндан** бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **фалсафа доктори (PhD)** ёки **фан доктори (DSc)** илмий даражаси тўғрисидаги ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида **фан доктори (DSc) сифатида** тўғридан-тўғри **тан олинади ва нострификация** қилинади (эквивалентлиги қайд этилади); халқаро рейтингларда биринчи **300 та** ўриндан бирини эгаллаган олий таълим ташкилотларида олинган **профессор, доцент, катта илмий ходим ва уларга тенглаштирилган бошқа илмий унвонлар** тўғрисидаги ҳужжатлар олий таълим

муассасалари ва илмий ташкилотлар кенгашларининг тавсиясига асосан Ўзбекистон Республикасида қўшимча экспертиза ўтказмасдан ва бошқа синовларсиз тўғридан-тўғри тан олинади.

8. Вазирлар Маҳкамаси **икки ҳафта мuddатда** қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ва “Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожланишдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

илмий фаолиятга оид давлат **дастурларини шакллантиришнинг** янги тартибини жорий қилиш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш Президент жамғармаси ва Ёшлар академиясининг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси **маблағларида самарали фойдаланиш**;

Инновацион ривожланиш вазирлигининг амалдаги вазифа ва функцияларини қайта қўриб чиқиб, **унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш**.

9. Жаҳон банки томонидан илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида республикамизда инновацион тизимни ривожлантириш, инновацион фаолият соҳасидаги индикаторларни яхшилашга қўмаклашиш мақсадида **50 миллион АҚШ доллар**и миқдоридagi имтиёзли кредит мabлағларини ажратиш тўғрисидаги **“Ўзбекистон миллий инновацион тизимини модернизация қилиш”** лойиҳаси (кейинги ўринларда — Лойиҳа) маъқуланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги 2021 йил 1 январга қадар:

Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) баҳолаш ва экспертизадан ўтказиш учун **Халқаро эксперт кенгашини** (International Expert Board) ташкил этиш;

Жаҳон банки талабларига асосан Лойиҳа доирасидаги ташаббусларни (лойиҳаларни) амалга оширишга қўмаклашиш, молиявий назорат ва ҳисобот тизимини юритиш мақсадида **лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш** чораларини кўрсин;

2021 йилда **“Ўзбекистон илмий салоҳиятини ошириш”** лойиҳасини амалга ошириш учун Жаҳон банкнининг қўшимча **50 миллион АҚШ доллар**и миқдоридagi имтиёзли кредит мabлағларини жалб этиш бўйича таклиф киритсин.

10. Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, масъул

вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар Мақсадли параметрларни амалга ошириш доирасидаги тегишли сарф-харажатлар учун Давлат бюджети, тегишли маҳаллий бюджетлар параметрлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар доирасида мabлағлар ажратсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ–4702-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига 2021 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳудудда маҳаллий бюджет мabлағлари ҳисобидан молиялаштирилган **фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар сони, бир миллион аҳоли сонига тўғри келадиган илмий тадқиқотчилар ва олимлар сони, тижоратлаштирилган илмий ишланмалар сони ва ҳажми** индикаторлари киритилсин.

12. Инновацион ривожланиш вазирлиги 2020 йил 1 декабрга қадар 2019 йилда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида якунланган илмий лойиҳалар натижадорлигини пухта ва ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида яратилган **муҳим илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни бир неча бор кўпайтириш бўйича ишларни** ташкил этиш дастурини қабул қилсин.

13. Масъул ижрочилар — тизимида илмий ташкилотлар мавжуд бўлган давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик бирлашмалари:

бир ой мuddатда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ва тадбирларни амалга оширишнинг **2020-2021 йиллар учун ҳамда ҳар йил якунида — келгуси йил учун** чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини;

ҳар чоракда ҳисобот оийдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар чора-тадбирлар режалари ва “Йўл харитаси”нинг ижроси бўйича маълумотларнинг тегишли равишда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилишини таъминласин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар чоракда ҳисобот оийдан кейинги ойнинг **10-санасига қадар** мазкур Фармоннинг ижроси бўйича умумлаштирилган маълумотлар ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрланиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

14. Қуйидагилар:

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши (А.Н.Арипов) зиммасига — ушбу Фармоннинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижро этилишини таъминлаш, Концепция ҳамда “Йўл харитаси”ни амалга ошириш ва мақсадли кўрсаткичларга эришиш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш, масъул

Жумладан, халқ таълими соҳасида янги ўқув йилидан бошлаб, бос-қичма-босқич Миллий ўқув дастури-ни жорий қилиш кўзда тутиляпти. Тошкент вилоятида эса таълим ва ўзлаштириш коэффиценти паст бўлган мактабларни хусусий сектор-га ишончли бошқарувга бериш таж-рибаси амалга киритилмоқда. Айни пайтда вилоятда 313 та ана шундай коэффиценти паст бўлган мактаб мавжуд.

Йигилишда таъкидланганидек, ви-лоятда жами 686 нафар депутат фаолият юритаяпти. Бу жуда катта салоҳият. Агар улар мавжуд имко-ниятдан тўлиқ фойдаланса, тез ора-да ҳудуддаги таълим-тарбия муас-сасаларининг бундан-да яхшироқ ишлашига эришиш мумкин. Шу боис сессияда Тошкент вилояти тажри-баси сифатида ҳар бир депутатга биттадан мактаб бириктирилиши таклифи илгари сурилди.

Чирчиқ давлат педагогика инсти-туту ректори Гафур Мухамедовнинг айтишича, лойиҳада мактабгача таъ-лим, халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълимнинг бир-бири-ни тўлдирувчи, мақсади бир бўлган, ажралмас бўғинлар эканлиги ино-батга олиниб, улар орасидаги уз-вийлик ҳамда узлуқсизликни таъ-минлашга қаратилган бандлар якқолроқ кўрсатилса, мақсадга му-вофиқ бўлади.

Қизгин баҳс-мунозаралар тарзи-да ўтган сессия якунида халқ депу-татлари вилоят Кенгашининг тегиш-ли қарори қабул қилинди.

Ботир МАДИЁРОВ,
Толибжон ЭРҒАШЕВ,
Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).

раҳбарларнинг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини кенгаш мажлисларида **бир йилда камида икки маротаба эшитиш** ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш; **инновацион ривожланиш вазир**и (И.Ю.Абдурахмонов) зиммасига — Концепциянинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, илмий фаолият натижадорлигини ошириш, илм-фан соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш ва илмий ишланмаларни тижоратлаштириш асосида илмий махсулотлар ҳажми ва инновацион махсулотлар турларини кенгайтириш фаолиятини мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига — Концепция ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, илмий фаолиятга оид ҳудудий дастурларни шакллантириш асосида тегишли ҳудуддаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

Фанлар академияси президенти (Б.С.Юлдашев) зиммасига — Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолиятини иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа эҳтиёжларига тўлиқ мослаштириш, юқори самарадор илмий ишланмалар ва технологияларнинг сони ва жорий этиш қўламини кенгайтириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши икки ҳафта мuddатда мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини илмий жамоатчилик ва аҳоли орасида кенг ёритиш бўйича **2020 йил якунига қадар** чиқишлар ва тематик телекўрсатувлар ташкил этиш мақсадида тегишли давлат органлари ва муассасаларнинг Ўзбекистон Миллий телерадиокompаниyasi, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига бириктирилишини таъминласин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 29 октябрь

БУГУНГИ ТАЛАБЛАР АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Хабарингиз бор, айни кунларда маҳаллий Кенгашлар сессияларида давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимиз таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони лойиҳасига таклифлар киритиш масаласи кенг муҳокама қилиниб, илм-фан ҳамда педагогик фаолиятни такомиллаштириш борасида таклифлар билдирилмоқда.

■ **Маҳаллий Кенгашларда**

Халқ депутатлари Фарғона вило-яти Кенгаши сессиясида ҳам ана шу муҳим масала атрофлича муҳо-кама этилди.

Йигилишда сўз олганлар, ўқитувчи — дунёдаги энг шарафли касб эга-си эканлиги, лекин бугунги кунда устоз-мурабийларга бўлган ҳур-мат, уларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш борасидаги айрим отамерос аъёнларан унутилаёзганин, муҳокамадаги Фармон эса таълим тизимининг барча бўғинидаги иш-лар қўламини бир пайтингн ўзида ҳам миллий, ҳам замонавий асосда ривожлантиришга қаратилганин билан гоятда аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

Сессияда вилоят халқ таълими, Касбий таълимини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқар-малари, олий таълим муассасалари раҳбарларининг мазкур ҳуқуқий ҳуж-

жат мазмун-моҳияти, унинг тарихий аҳамияти хусусидаги фикр-мулоҳа-залари эшитилди.

Депутатлар ва таълим соҳасига масъул идоралар вакиллари Фар-мон бандларига қўшимча киритиш бўйича амалий таклиф ҳамда тав-сияларини билдирди. Вилоят шаҳар ҳамда туманларида амалга ошири-лиши зарур бўлган ишларни ўзаро умумлаштириш мақсадида “Йўл ха-рита”си тасдиқланди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати-нинг Фан, таълим ва соғлиқни сақ-лаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Маҳмуд Парпиев ишти-рок этди ҳамда бу борада Фарғона зиёлилари, таълим соҳаси вакила-ри, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари олидида тур-ган муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

Яқунда киритилган масалалар

юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Халқ депутатлари Жиззах ви-лояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ҳам Фармон лойиҳа-сига таклифлар киритиш маса-ласи қизгин муҳокама этилди.

Сессияда таъкидланганидек. Маз-кур Фармон лойиҳаси эълон қили-ниши билан вилоятдаги таълим му-ассасаларида, кенг жамоатчилик орасида унинг тарғиботи йўлга қўйилди. Воҳа аҳли лойиҳани катта қизиқиш билан ўрганиб, ўз мулоҳа-заларини билдирди. Кенг жамоат-чилик фикри асосида таклифлар жамланди.

— Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, ўқитувчи ва мураббийларимиз, фарзандларимиз ҳаётида янги давр бошланаётгани-ни, буни янада чуқур маъно-мазмун билан тўлдириб, миллий юксалишга эришиш ўзимизга боғлиқ, — дейди Жиззах давлат педагогика институ-ти ректори Шавкат Шарипов. — Бу-гунги мактаб битирувчилари эртага олий таълим талабалари бўлади. Шунинг учун уларга мос ва хос ри-вожланган давлатларнинг таълим стандартларини, IT-технологиялари, кучли мингталикка кирган олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ишларини тезлаштиришимиз лозим. Бу бора-

да институтимиз жамоаси билан бир-дамликда зарур чораларни кўралимиз.

Йигилишда, шунингдек, иштирок-чилар томонидан мактабдан бош-лаб таълим-тарбияга алоҳида эъти-бор бериш, ўқувчиларнинг ёшлик-дан бир нечта ҳорижий тилларни ўзлаштириши устида иш олиб бо-риш, ўқитувчи касбини улуғлаш, уларнинг мақомини ошириш ва бошқа муҳим йўналишлар бўйича таклифлар берилди.

Сессияда билдирилган таклифлар Фармон лойиҳасида ўз аксини то-пишига ишонч билдирилди.

Халқ депутатлари Тошкент вило-яти Кенгашининг сессияси иши ҳам айни шу Фармон лойиҳаси муҳока-масига бағишланди.

— Мазкур лойиҳанинг тарихий аҳамияти шундаки, у Ўзбекистонда янги Ўйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш бўйича култур қадам бўлади, — дей-ди сенатор Рустам Холматов. — Зеро, таълим-тарбия тизими замон талаблари асосида такомиллашиб бориши керак. Шунда соҳада ри-вожланиш, ўсиш бўлади.

Мазкур лойиҳада Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини яна-да ривожлантиришнинг саккизта асосий йўналиши белгиланмоқда.

ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДАГИ УШБУ МЕХАНИЗМ МАКТАБДАН ТО ДОКТОРАНТУРАГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧЛАРНИ ТЎЛИҚ ҚАМРАБ ОЛАДИ.

◀1 Биз таълимни ишдан ажралмаган ҳолда йўлга қўймоқчимиз. Бунда махсус ўқув-режа ва дастурлар ишлаб чиқи-либ, мобиль, янада аниқроқ айт-ганда, мослашувчан таълим тизи-ми танланadi. Шу тамоийл асо-сида профессор-ўқитувчиларимиз кластер тизимидаги корхоналарда куннинг биринчи ярмида амалиёт ўтайди. Куннинг иккинчи ярмида эса кластер ишчиларига таълим беради.

Бунинг афзал жиҳатлари кўп. Профессор-ўқитувчилар жараёндан мунтазам хабардор бўлишади. Янги технология кириб келса, буни улар ўз кўзлари билан кўриш имкония-тига эга бўлади. Тўқимачилик са-ноатида технологиялар ҳар уч йил-да янгиланади. Модa ҳар йили ўзга-ради. Демак, янги матo пайдо бўляпти. Унинг структураси бошқа, фактураси, ранги бошқа. Биноба-рин, бизнинг ишчи-ҳодимларимиз ҳам шу янгиланишларга тайёр ту-риши, мослашувчан бўлишлари ке-рак. Мухтасар айтганда, ҳаётнинг ўзи замонавий билим ҳамда тех-

нологияларни ўзлаштирган янги ав-лод кадрларини тайёрлашни тақозo этмоқда.

— Кейинги уч-тўрт йил ичида барча соҳада инқилобий ўзгариш-лар бўляпти, — дейди иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Нью-Йорк фанлар академияси академи-ги, “BCT Cluster” ва “TCT Cluster” кластерлари раҳбари, сенатор Муртазо Раҳматов. — Шулардан бири қишлоқ ҳўжалигини қамраб олади. Бу ўринда мен соҳада клас-терларнинг жорий этилганини на-зарда тутаям. Биласиз, мана икки йилдирки, биз Президентимиз госяс билан Бухорода чигит еқишдан тор-тиб, хом ашёни чуқур қайта иш-лашгача бўлган занжирсимон жа-раёни йўлга қўйдик. Юқори қўшим-ча қийматга эга махсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

Тажриба шуни кўрсатаяптики, илм-фан ва техника ютуқлари ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланмаса, муваффақиятга эри-шиш бўлмайди. Шу боис ҳам Тош-кент тўқимачилик ва енгил сано-ат институти ҳамда бошқа бир

қатор олий ўқув юрт-лари билан яқин ҳам-корликни йўлга қўйганмиз. Тажрибали профессор-ўқитувчи-лар, олимларнинг тав-сиялари асосида иш-ляяпмиз.

Шу ўринда бир му-ҳим масала хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Бошқа йўналишлар қаторида тўқимачилик соҳасида ҳам малака-ли мутахассисларга эҳтиёж катта. Биз ҳозирча ҳорижлик му-тахассисларни жалб этган ҳолда бу маса-лага ечим топиб ту-рибмиз. Асосий муам-мо шундаки, ўрта бўғин кадрлар тайёрлаш тизимли йўлга қўйилма-ган, фан ва ишлаб чиқариш ин-теграцияси узилиб қолган. Мақсадимиз — биз, давлат-хусусий шериклик асосида, аввало, инсти-тут ва кластер ўртасида интегра-цияни чуқурлаштириб, назария



ҳамда амалиёт уйғунлигига эришиш.

Учрашув якунида таъкидлангани-дек, давлат-хусусий шериклик асо-сида олиб бориладиган дуал таъ-лим тизими мактабдан то докто-рантурагача бўлган босқичларни тўлиқ қамраб олади. Бу малакали

кадрлар тайёрлаш, Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожланти-риш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хо-тин-қизлар бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга хизмат қилады.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).


Мурожаатларни ўрганиш жараёнида аниқ бўлган яна бир ҳолатни айтиб ўтишимиз зарур. Мурожаатлар орасида фуқароларнинг ўз ҳаракати билан ҳал бўлиб кетадиганлари ҳам талай-гина. Бунинг учун ҳар бир фуқаро салгина ҳаракат қилса, бас. Зеро, ҳалқимиз томонидан “Сендан ҳара-кат — мендан баракат” де-ган нақл бежиз айтилма-ган.

Умуман, Олий Мажлис Сенатида фуқароларнинг мурожаатлари билан иш-лашнинг янгича тизини яратилган бўлиб, у амалда ўз самарасини бермоқда. Мақсадимиз халқимиз фар-овонлиги ва Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилиш экан, мазкур йўна-лишдаги фаолиятимизни ҳам изчиллик билан давом эттирамиз.

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Албатта, бир дори воситаси нархи ўртасидаги бундай тафовут аҳолининг ҳақиқи эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси, бошқа айрим шаҳар ва туманларда ҳам худди шу каби бир хил турдаги яна ҳотаматлиқнинг жараёни эъза яна истемолчи тоғради: дори-дармоннинг нархи эса ошаваради...

БОТИР МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи».)



Навоийни англаш

— УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ
МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР

Навоийни англаш ҳамда тарғиб этиш йўлида шу пайтгача амалга оширилган хайрли ишларни эътироф этган ҳолда, бемалол айтиш мумкинки, маъзур қарор том маънода миллатимизнинг маънавий оламини тубдан янгиловчи тарихий бир ҳодиса бўлди. Негаки, ушбу ҳужжат илк марта Навоийнинг шахсияти ва ижодига ҳолис илмий муносабатни шакллантириш, бу бебаҳо маънавий меросни ўрганиш, тадқиқ ҳамда тарғиб этиш бўйича ахлит тизим яратишга имкон беради.

Қарорда белгилаб берилган вазифалар маданий ҳаётимизнинг барча жаҳасини қамраб олган. Айниқса, улуг бобомиз номидagi халқро жамоат фонди ва ижод мактаби ташкил этиш, мутафаккир ижодий меросининг башариат маънавий-маърифий таракқиётидаги ўрнига бағишланган республика ҳамда халқро конференциялар, анжуманлар ўтказиш, бебаҳо асарларини хорижда тарғиб этиш, ёш авлодни улар билан ошно қилишнинг самарали механизмларини яратиш каби масалалар қарорда ўз аксини топганки, яқин келажакда бу чора-тадбирлар, албатта, ўз самарасини беради.

Алишер Навоийнинг нафақат ижодий мероси, балки ҳаёти ва фаолияти ҳам барчамиз учун бемисл ибрат мактабидир. Жумладан, улуг мутафаккир давлат арбоби сифатида фаолият юритар экан, Ҳиротда азия кутубхона барпо этиш, бу ерда шоиру олимлар, мохир котиб ҳамда мусаввирлар, саҳхоф ва лаввоҳларни тўплаб, эркин фаолият юритишлари учун уларга кенг шарт-шароитлар яратиш ишларига

Олимжон ДАВЛАТОВ,
филология фанлари
бўйича фалсафа доктори,
навоийшунос.

Тиббиёт

Қишлоқда оилавий поликлиника иш бошлади

Асака туманидаги “Ниёзботир” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган оилавий поликлиника 24 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни бошлади.

— Тиббий хизмат ҳар доим ҳам муҳим масала ҳисобланган, — дейди меҳнат фахрийси Абдуллажон Абдусатторов. — Айниқса, бугунгидек вазиятда чекка қишлоқларда бу хизмат фаолиятини йўлга қўйиш турли касалликларнинг олдини олишда муҳим омилдир. Маҳалламизда замон талабларига мос тиббиёт масканининг барпо этилиши наatinjасида ён-атрофдаги маҳал-

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Навоийдек бегараз ҳамда донишманд зот раҳнамо ва маслаҳатгўйимизга айланади. Бунинг учун эса Навоийни англаш, Навоийни ўқиш ҳамда ўқиш тор доирадаги мутахассисларнинг юмуши эмас, балки умуммиллий иштиёққа айланиши керак. Зотан, Навоийни англаш — ўзликни англаш демекдир.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ МАСАЛА

Қонун ва ижро

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, аёлларни қўшимча қўллаб-қувватлаш борасида прокуратура органлари ҳам муайян ишлар амалга ошири-лаётир.

Ушбу мақсадда Бош прокурорнинг тегишли фармойиши билан прокуратура органлари ва муассасалари, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюроси органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш, шунингдек, бу соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриб бориш мақсадида Прокуратура органларида гендер тенгликни таъминлаш

масалалари бўйича комиссия тузилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш, жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг намоён бўлиш ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенглигини таъминлаш масалалари юзасидан ходимларнинг касбий тайёргарлиги тизимини тақомиллаштиришга қўймаслаш ҳамда бошқалар белгиланган.

Жорий йилнинг 16 июнь куни ўтказилган комиссиянинг биринчи йиғилишида прокуратура органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар-

ни таъминлаш, аёлларни қўшимча қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шу ўринда прокуратура органлари томонидан “Хотин-қизларни таъминлаш ва эърашонлиқдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш мақсадида хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш ҳамда бошқа жойларда таъинқ ва эърашонлиқ ҳолатларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда чек қўйиш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотларда назорат тадбирлари олиб боришмоқда.

Мазкур Қонун ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаб, уларга нисбатан яқка тартибдаги, манзилли профилактик чора-тадбирларни қўллаш имкониятини берапти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика бўйича 4 780 нафар хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилган бўлиб, бу борада энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳри (966 та), Фарғона (560 та), Қашқадарё (502 та) ва Тошкент (440 та) вилоятларига тўғри келаётир.

Зўрлик ишлатишдан жаҳр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларида 1 737 нафар аёлга ҳуқуқий, 324 нафарига тиббий ҳамда 3 304 нафарига психологик ёрдамлар кўрсатилди.

Шунингдек, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида оғир турмуш шароитида яшаётган 23 242 на-

фар хотин-қизга 101,4 млрд. сўмлик моддий ёрдам, 12 569 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилган бўлса, 1 011 нафар аёлга уй-жой сотиб олишлари учун 17 млрд. сўм тўлаб берилди.

Бугунги кунда прокурорлар секторларида ҳам аёлларни қасбга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳуқуқий-психологик ёрдамлар кўрсатиш, низоли оилаларни яраштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Бухоро вилоятининг 2-секторида хотин-қизлар ҳуқуқий-психологик маркази ташкил қилинган, унга 6 нафар аёл прокурор ҳамда 12 нафар малакали психолог жалб этилган. Қисқа муддатларда ушбу марказга мурожаат қилган 363 нафар хотин-қизга психологик ва 495 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Олиб боришган тадбирлар натижасида ишга жойлашиш истиғида бўлган 114 нафар аёлнинг ўз мутахассислиги бўйича бандлиги таъминланишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Наманган шаҳрида эса 2-секторнинг ёрдамида “Наманган тикувчи аёллари” ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилди. Ушбу кооператив томонидан эҳтиёжманд оилалардаги 100 нафар ишсиз аёлга “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури бўйича имтиёзли кредит асосида тикув машиналари тарқатилди.

Бугунги кунда фуқароларимизда жиноятчиликка муросасиз муносабатни шакллантириш тинч-осойишта ҳаётнинг муҳим жиҳати ҳисоб-

ланади. Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини янада ошириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда аёллар ўртасида жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бораётганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Қолаверса, прокуратура органлари ходимлари ўртасида гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш, бунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқув қўрсаларини ташкил этиш, хотин-қизларнинг малакаларини ошириб бориш борасида салмоқли ишлар бажарилмоқда. Шу йилнинг тўққиз ойи давомида Бош прокуратура Академиясида ташкил этилган малака ошириш ва қайта тайёролаш (масофавий ҳамда анъанавий) курсларида 72 нафар хотин-қиз ўқитилган ва уларга тегишли сертификатлар тақдим этилгани фикримиз далилидир.

Умуман, прокуратура органларида гендер тенгликни таъминлашга оид давлат сиёсатини сўзсиз рўёбга чиқариш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни амалда таъминлаш ус-тувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Светлана ОРТИҚОВА,
Бош прокурор ўринбосари.

FITCH RATINGS: «Mikrokreditbank» kredit reytingini «BB-» darajasida qayta tasdiqladi.



FITCH RATINGS:

Ushbu daraja bankning asosiy ko'rsatkichlari barqarorligini, xususan, kreditlash salohiyatining yuqoriligini ifodalaydi hamda mijozlari va hamkorlari oldida ishonchlliligini namoyon etadi.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири

Омон МАТЖОННИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети жамоаси ҳамда Касаба уюшма кўмитаси Туризм ва сервис кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби
Рустам ШАДИЕВНИНГ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.50 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6